

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ АКБАР МАҲМУДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

УДК: 338.48:005.591.6(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences**

Жумаев Акбар Махмудович

Ўзбекистонда туризмнинг инновацион ривожланишини статистик
баҳолашни такомиллаштириш..... 3

Жумаев Акбар Махмудович

Совершенствование статистической оценки инновационного развития
туризма в Узбекистане..... 25

Jumayev Akbar Makhmudovich

Improving the statistical assessment of innovative development of tourism
in Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 29/30.12.2019.1.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ АКБАР МАҲМУДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt930 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.instat.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шадиев Хамид Азимович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ғойибназаров Баходир Каримович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Салимов Бахтиёр Таджиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ кuni соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 230-81-86; факс: (99871) 230-81-86; e-mail: instat.uz.

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 230-81-86; факс: (99871) 230-81-86; e-mail: instat.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.С.Ғуломов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., академик

Қ.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б.К.Ғойибназаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида туризм жадал суръатлар билан ривожланаётган рақобатбардош соҳалардан бирига айланди. “Халқаро даражада туристлар сони 1,5 млрд. кишига етди. Туризм тушумлари 1,7 триллион АҚШ долларлик кўрсаткичига эришиб жаҳон экспортининг 7 фоизини, хизматлар экспортининг 29 фоизига тенгдир”¹. Жаҳон экспортида туризм тушумлари кимё саноати ва ёқилғи энергетика экспортдан кейин учинчи ўринни эгаллаган. Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг етакчи тармоқларида туризм асосий ўринни эгалламоқда. Бунинг натижасида жаҳоннинг аксарият мамлакатлари иқтисодиёти тармоқларида туризмни инновацион ривожланиши бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида туризм салоҳиятини ошириш, янги хизматларни таклиф этиш, янги туризм брендларини яратиш, туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, туризм соҳасини статистик тадқиқоти ҳамда туризмни инновацион ривожланишини статистик баҳолаш бўйича кенг қамровли илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотларда туризмни статистик баҳолаш масалалар етарлича очиб берилмаган. Бу эса тадқиқотларда туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар иқтисодиётида, хусусан, ялпи ички маҳсулотида унинг улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабелли соҳалардан бирига айлантириш каби вазифаларни долзарб қилмоқда.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга, уни иқтисодиётда тутган ўрнини баҳолашга ва туризм статистикасини жаҳон халқаро ташкилотлари стандартлари асосида юритишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида «Бутунжаҳон туризм ташкилоти методологияси, шу жумладан халқаро тажриба ва стандартлар асосида туризм соҳасида статистика юритишни такомиллаштириш зарур»² эканлиги алоҳида таъкидланган. Бу эса туристлар оқимини кўпайтириш ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, ҳамда энг асосийси туризм статистикасини юритишни халқаро стандартлар талаби бўйича ташкил этиш ва туризм статистик баҳолаш услубиятини яратиш каби вазифалар қўйилмоқда. Шу жihatдан бугунги кунда бу борада илмий тадқиқотларни олиб боришни заруриятини юзага чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹<https://wtcc.org/Research/Economic-Impact>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли «Ўзбекистон Республикаси туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

Харакатлар Стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли «Ўзбекистон Республикаси туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июнь ПҚ-4755-сонли «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳасини ривожланишининг назарий-услубий жиҳатлари, унинг тараққиётига таъсир қилувчи омиллар ва иқтисодиётдаги ўрни ҳамда туризм статистикасини юритиш ва бошқа муаммолар C.D.Frechting, L.A.Manrai, S.Friedeborn, A.M.Hjalager, R.Sharpley, D.J.Telfer, E.Cohen, D.G.Pearce, R.W.Butler³ каби хорижий олимлар илмий ишларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан туризмнинг инновацион ривожланишини статистик баҳолаш масалаларини татбиқ этиш бўйича А.Ю.Александрова, С.С.Ермаков, С.А.Матяш, В.В.Бритвина, Г.П.Конюхова, С.Е.Седенков⁴ илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни статистик баҳолаш масалалари бўйича иқтисодчи олимлардан С.С.Ғуломов, Б.А.Бегалов, Ё.Абдуллаев, Х.А.Шодиев, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, Ҳ.Ғ.Набиев, Р.Х.Алимов⁵ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

³Frechting C.D. Tourism satellite account//Annals of Tourism Research, Vol. 37, No. 1, 2010. 136–153 pp.; Manrai L.A., Manrai A.K., & Friedeborn, S. (2018). Environmental determinants of destination competitiveness and its Tourism Attractions-Basics-Context, ABC, indicators. Journal of Economics, Finance and Administrative Science. <https://doi.org/10.1108/JEFAS-01-2018-0010>, Hjalager A.M., (2010). A review of innovation research in tourism. Tourism Management, 31(1), 2 бет, Sharpley R.and Telfer D.J., Tourism and development: concepts and issues, Great Britain, 2002.-31 pp. ; Cohen E. Towards a sociology of international tourism. Social Research 38, 2005. 164–82.; Pearce D.G., Tourism Today: A Geographical Analysis. New York: Longman. 2010; Butler R.W. The concept to touris marga cycle of evolution. Canadian Geographer 24, 2000. 5–12 pp.

⁴ Александрова А.Ю. Статистика туризма – М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. – 464 с; Ермаков С.С. Экономико-статистическое исследование состояния и перспектив развития туристской деятельности в регионе: автореферат дис. канд. экон. наук., Москва, 2008, 54 с., Матяш С.А., Бритвина В.В., Конюхова Г.П., Конюхов В.Г., Седенков С.Е. Основы туристской деятельности и математическая статистика в индустрии туризма: Учебное пособие.– М.: Изд-во «Союз», 2016. - 174 с.

⁵ Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика.–Т.: ТДИУ, 2010.–587 б.; Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика 100 саволга 100 жавоб.–Т.: Мехнат, 1998.–382 б.; Шодиев Х.А., Ҳабибуллаев И. Статистика// Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.–253-268 б.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўл.–Т.:

Миллий иқтисодиётда туризмнинг ривожланиши ва унинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг илмий-назарий асослари А.Саидов, Т.Ташмурадов, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, Б.Х.Тураев, Ш.Р.Файзиева, Е.В.Голишева, Н.Н.Сафарова каби олимлар ишларида атрофлича ўрганилган⁶. Ушбу тадқиқотлар туризм соҳаси ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, мазкур тадқиқотларда туризмни статистик баҳолаш услубияти етарлича ёритилмаганлиги алоҳида тадқиқот ўтказишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий ишлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда туризм соҳасини инновацион ривожланишини статистик баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқаро стандартларга таянган ҳолда республикада турист тушунчасини статистик жиҳатларини тадқиқ этиш;

туризм соҳасини статистик баҳоловчи кўрсаткичлар услубини такомиллаштириш ҳамда туризм соҳасини ахборот базасини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

T-ABC ҳамда TLG моделлари асосида туризмнинг инновацион ривожланишига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш;

туризм кўрсаткичлари ва иқтисодий ўсиш алоқадорлигини статистик моделлаштириш;

туризм соҳасини статистик кўрсаткичлари ҳисоблаш услубини халқаро стандартларга мос равишда ҳисоблаш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, ТДИУ, 2018.–126 б; Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: ФАН, 2006.–125 б.; Набиев Х., Набиҳўжаев А.А., Миллий ҳисоблар тизими. Ўқув қўлланма.–Т.: 1998.– 221 б.; Алимов Р.А. Методологические проблемы построения система национальных счётов. Док.дисс.–Т.: ТГУ, 1993.–С.280.;

⁷А.Ф.Саидов Туризм в Узбекистане: экономические, социальные и организационные аспекты, М.: Институт туризма, 1991; Т.Ташмурадов Экономика международная туризма.-Ташкент:Фан, 1994, И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсунова Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. - 332 б.; Б.Х.Тураев Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. – 153 с.; Ш.Р.Файзиева, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришни иқтисодий механизмини такомиллаштириш, дисс, -Тошкент, 2006.-154 б. Е.В. Голишева Совершенствование организации и механизма развития туризма в рыночных условиях: дис.канд. экон. наук: 08.00.13. – Т., 2012. – 156 с. Н.Н. Сафарова “Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига туризм соҳаси таъсирини баҳолаш усуллари такомиллаштириш” номли и.ф.н. олиш учун ёзган диссертация автореферати, -Т., 2018 йил.-150 б.

туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм статистик таҳлили асосида унинг кўп вариантли прогнозларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети туризм соҳасини инновацион ривожланишини статистик баҳолашда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, умумлаштириш, қиёслаш, статистик кузатиш, статистик гуруҳлаш, омилли статистик таҳлил, ретроспектив статистик таҳлил, Т-ABC модели, эконометрик моделлаштириш, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туризм соҳасини инновацион ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар таркиби «сафарларни тез-тез амалга оширувчи ташриф буюрувчилар сони» ва «сафар вақт оралиғи 4 соатдан кам бўлган ташриф буюрувчилар сони» кўрсаткичларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

Т-ABC (Tourism – Attractions, Basics, Context)) ҳамда TLG (Tourism Led Growth) моделлари Delphi методи асосида такомиллаштирилган ва шу асосида ҳудудларда туризмнинг инновацион ривожланиш кўрсаткичини белгилаш таклиф этилган;

туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларнинг физик ҳажмини аниқлаш асосида такомиллаштирилган ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг қийматлари ишлаб чиқилган;

аддитив ва мультипликатив моделлари асосида кирувчи ва чиқувчи туристлар сони ҳамда туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларининг 2024 йилгача бўлган прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туризмни инновацион ривожланишини таҳлил қилувчи кўрсаткичлар тизими таклиф қилинган;

туризмнинг инновацион ривожланиши ва унинг жозибадорлигини статистик баҳолаш омилли статистик моделлар асосида ишлаб чиқилган;

туризм тушумларининг ЯИМга таъсири туризм ёрдамида ўсиш (TLG) модели орқали баҳоланган;

туризмни танланма кузатуви, унда фойдаланадиган сўровнома ва туризм ҳисоботи такомиллаштирилган;

туризмни иқтисодиётдаги ўрнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими илмий асосда таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий

манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундан туризмни инновацион ривожланишини статистик усулларда таҳлил қилишга оид назарий ва услубий ёндашувларни ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялардан республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, иқтисодий инновацион ривожланиши ҳамда туризмнинг жозибадорлик даражасини прогнозлашда, шунингдек, «Статистика», «Эконометрика», «Туризм статистикаси», «Иқтисодий статистика», «Туризм иқтисодиёти» каби фанларни ўқитишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда, услубий кўлланимлар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда туризмни инновацион ривожланишини статистик баҳолашни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

туризм соҳасини инновацион ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар таркибига «сафарларни тез-тез амалга оширувчи ташриф буюрувчилар сони» ва «сафар вақт оралиғи 4 соатдан кам бўлган ташриф буюрувчилар сони» кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Туризм хизматлари экспорти ва импорти ҳажмини халқаро стандартларга мувофиқ, баҳолаш бўйича услубий тавсиялар” ишлаб чиқиш мавзусидаги методикани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитасининг 2020 йил 2 июлдаги 01/1-04-18/2-158-сонли маълумотнома). Ушбу таклифни жорий этиш натижасида туризм соҳасига оид статистик ахборотлар базаси такомиллаштирилди;

T-ABC(Tourism – Attractions, Basics, Context)) ҳамда TLG(Tourism Led Growth) моделлари Delphi методи асосида такомиллаштирилган ва шу асосида ҳудудларда туризмнинг инновацион ривожланиш кўрсаткичини белгилаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июн ПҚ-4755-сонли «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2020 йил 7 февралдаги №05-16/925-сонли далолатномаси). Натижада мамлакатда соҳага оид инновацион

ривожланиш эконометрик моделлар асосида республиканинг ҳудудлари кесимида туризм салоҳияти 1 баллдан 7 балгача статистик баҳоланди;

туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларнинг физик ҳажмини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси томонидан статистик кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2020 йил 2 июлдаги 01/1-04-18/2-158-сонли маълумотнома). Натижада туризм экспорти ва импорти кўрсаткичларини физик ҳажми кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

аддитив ва мультипликатив моделлари асосида кирувчи ва чиқувчи туристлар сони ҳамда туризм экспорти ва импорти прогноз вариантлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан туризмни ривожлантириш йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 февралдаги №05-16/925-сонли далолатномаси). Натижада Республика бўйича 2024 йилларда туризм кўрсаткичларнинг прогноз вариантлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий журналларда 4 та, хорижий журналларда 1 та илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, диссертациянинг нашр қилган ишлар сони ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Туризм соҳаси ривожланишининг назарий асослари**»да туризмни статистик тадқиқот объекти эканлиги, туризмни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими ва унинг инфор­мацион

таъминоти ҳамда туризмда статистик ҳисобни олиб бориш бўйича халқаро сандартлар ва туризм яхши ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

Дунёнинг турли мамлакатларида туризм бўйича кенг қамровли илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамаздан, ушбу соҳани статистик баҳолаш бўйича жуда кўп ечими кутилаётган муаммолар турли ёндашувлар ва тажрибалар мавжуд. Масалан, турист, саёҳатчи, экскурсант ва бошқа атамалар бўйича таърифлар турлича. Бизни фикримизча, турист ва экскурсантга қуйидагича таъриф бериш мумкин: ўзининг одатий муҳитини йигирма тўрт соатдан, ҳар ҳафта бир мартадан кўп бўлмаган, бир йилдан ошмаган ва ҳеч қандай молиявий, иқтисодий фойда кўрмаслик шарти билан бошқа ҳудудга борган жисмоний шахс ўша ҳудуд учун туристдир. Ўзининг одатий муҳитини тўрт соатдан кўп, йигирма тўрт соатдан кам, ҳар ҳафта бир мартадан кам бўлган ҳолда ва ҳеч қандай молиявий, иқтисодий фойда кўрмаслик шарти билан бошқа ҳудудга борган жисмоний шахс ўша ҳудуд учун экскурсантдир.

Ушбу таърифда «одатий муҳит» тушунчаси БМТнинг расмий ҳужжатларидан олинди. Унга кўра, одатий муҳит бу инсоннинг айни пайтда яшаб турган географик ҳудуди тушунилади. Одатий муҳитни тўғри статистик баҳолаш учун уни тўртта сегментга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, булар: 1) сафарнинг такрорланиши; 2) сафарнинг давомийлиги; 3) туман, вилоят, давлат чегараларини кесиб ўтиши; 4) одатий муҳит радиуси.

Ушбу сегментларни турли мамлакатлар бўйича таққослаб ва Республикани иқтисодий, ижтимоий ва географик ҳолатини таҳлили асосида уларни параметрлари Ўзбекистон учун ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1- жадвал

Одатий муҳитнинг туризм ривожланган давлатлардаги ҳолати⁷

Давлатлар	Одатий муҳит радиуси	Ҳудудий чегара	Ташриф буюрувчи баҳоси	Сафарнинг такрорланиши	Сафарнинг давомийлиги
Франция	100 км		√		
АҚШ	80-120 км				
Буюк Британия					3 соат
Испания			√		
Германия		√	√		
Словения	50 км			ойида 10 марта	
Чехия		√	√	Ҳафтада бир марта	3 соат
Ўзбекистон (таклиф)	50 км			Ҳафтада бир марта	4 соат

⁷Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Франция ва АҚШ давлатлари учун одатий муҳит радиуси 80 км ва ундан юқори километрни ташкил қилади. Ўзбекистон учун бизни ҳисоб-китоблар бўйича ушбу кўрсаткич 50 километрни ташкил этади, сафарнинг такрорланиши ҳафтада бир марта, давомийлиги эса 4 соатга тенг бўлиши аниқланди.


Тадқиқотчи фикрича, ташриф буюрувчи, сафар қилувчи, турист, экскурсантлар, ҳисобга олинмайдиган ташриф буюрувчилар синонимлар эмас. Уларни қуйидаги формулалар билан аниқлаш мумкин:

$$ТБ = С + ТСИОБТ, \quad (1) \quad С = Т + Э, \quad (2)$$

бу ерда: ТБ -ташриф буюрувчилар, С - сафар қилувчилар, Т-туристлар, Э-экскурсантлар, ТСИОБТ-туризм статистикасига инобатга олинмайдиган ташриф буюрувчилар.

Илмий ва халқаро амалиёт эътироф этишича, туризм статистикаси статистика фанининг муҳим соҳаларидан биридир. Фан сифатида туризм статистикаси ўзининг предмети, мақсади ҳамда вазифаларига эга бўлиб, фикримизча унинг мақсади туризм соҳасининг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усуллари ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдир. Амалий фаолият сифатида эса, давлат органлари ва туризмга алоқадор бошқа ташкилотларнинг туризм соҳасида содир бўлаётган жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисидаги статистик маълумотлар билан таъминлашдир.

Туризм соҳасини ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни фикримизча, туризм натижадорлиги ҳамда инновацион ривожланишни ифодаловчи кўрсаткичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Туризмни инновацион ривожланишини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими⁸

⁸Муаллиф томонидан тузилган

Туризмни инновацион ривожланишини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасида бугунги кунга қадар ҳисобланмаган ва амалиётда қўлланилмаган. Хориж давлатларида эса, аксинча. Шунинг учун Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, миллий анъаналарини ва статистик органларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда туризмни инновацион ривожланишини ифодалаш мақсадида статистик кўрсаткичларни ҳисоблашни ва амалиётга қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш учун авваламбор, ахборот базаси бўлиши шарт. Таклиф этилаётган кўрсаткичларни бевосита Давлат статистика қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаш мумкинлиги тадқиқот давомида исботланди.

Халқаро статистик таққослашларни амалга ошириш учун статистик кўрсаткичлар умуман, туризм кўрсаткичлари хусусан, ягона халқаро стандартлар асосида ҳисобланиш талаб этилади. Ушбу талабни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январда «Ўзбекистон Республикаси туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сонли фармони қабул қилинди. Унда туризм статистикаси кўрсаткичлари халқаро методологияга мувофиқ шакллантирилиши ва доимий тарзда эълон қилиб борилиши таъкидланган.

Туризмни статистик ҳисобини юритиш бўйича жаҳонда еттига стандарт қабул қилинган, улар асосида Ўзбекистонда иккита стандарт яратилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича уларнинг сифатини такомиллаштириш талаб этилади.

Диссертацияда туризм ёрдамчи ҳисоблари (ТЁХ), туризм тушумлари, харажатларини, туризм соҳасидаги инвестиция ва бандлик кўрсаткичларини, ялпи қўшилган қиймат, оралиқ истеъмол суммаларини аниқлашда жуда муҳим восита эканлиги исботланди. Лекин, таҳлил кўрсатишича, туризм ҳисобини олиб бориш бўйича махсус ҳужжатни мавжудлигига қарамасдан, Ўзбекистонда деярли ТЁХ олиб борилмаяпти. Ушбу масала бўйича бизни фикримизча, юқори натижага эришган давлатлар Греция, Германия, Польша ва бошқаларни киритиш ҳамда уларни тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш яхши натижаларга олиб келади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлили**» деб номланувчи иккинчи бобида халқаро туризмни ретроспектив статистик таҳлили амалга оширилди ҳамда Республикада туризмнинг инновацион ривожланиши ретроспектив ва омилли таҳлил қилинди, туризмкўрсаткичлари ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадоллиги ўрганилди.

Халқаро туризмни ретроспектив таҳлили кўрсатишича, туризм тармоғи яшовчанлик ва мослашувчанлик даражаси жуда юқори, таҳлил даврида бўлган уччала кризисда ҳам туризм тармоғи биринчилардан бўлиб кам юқотишлар асосида ўзининг олдинги ҳолатини тиклай олди.

Диссертацияда нафақат халқаро туристлар сони, балки давлатлар кесимида ҳам туристлар сони таҳлил қилинди. Жаҳон банки ва Бутунжаҳон Туризм ташкилоти маълумотлари асосида барча давлатларга кирувчи туристлар оқимининг ўртачаси аниқланиб, уни харитаси тузилди. Ушбу харитани ишлаб чиқишда MS Excel-2018 дастуридан фойдаланилди. Харитадан туристлар оқими давлатлар ва қитъалар бўйича тарқок жойлашганлиги, яъни ҳар қитъада туризм ривожланган давлатлар мавжудлиги аниқланди. Хорижий туристлар ташрифи бўйича биринчи ўринда Европа, иккинчи – Америка минтақаси, кейин Осиё ва Африка қитъалари эганлаган.

Тадқиқот давомида туризм соҳасида энг юқори натижага эришган давлатлар аниқланди. Ўрганилган давр оралиғида дунё бўйича энг кўп туристлар Франция давлатига ташриф буюрган, яъни улар сони 74 млн. кишига етган. Кейинги ўринларда АҚШ ва Испания давлатлари бўлиб мос равишда 55 ва 53 млн. киши. Диссертацияда халқаро туризмни бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам ўрганилаётган давр бўйича статистик таҳлил ўтказилди.

Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот давомида республикамиз туризмни ривожланиш кўрсаткичларини ретроспектив таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда туризм соҳасининг асосий кўрсаткичлари таҳлили⁹

	2018 йил	2019 йил	+/-	%
Кирувчи туристлар сони, млн. киши	5,34	6,21	0,87	116,29
Чиқувчи туристлар сони, млн. киши	8,59	13,00	4,41	151,34
Туризм тушумлари млрд АҚШ долл.	1,04	1,26	0,22	121,15
Туризм харажати, млрд АҚШ долл.	1,51	1,64	0,13	108,61
Туризм соҳасига инвестиция, млрд сўм	1449,9	1 900,1	450,2	131,05
Туризм соҳасида бандлик, минг киши	202	203	1,0	100,50
Туризм соҳасида ЯҚК, трлн. сўм	10,2	13, 20	3,0	129,41

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Таҳлиллар асосида маълум бўлдики, тадқиқот даврида кирувчи ва чиқувчи туристлар сони, туризм тушумлари ва харажатлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2010 йили республикага 0,97 млн. турист ташриф буюрган бўлса, 2019 йили кирувчи туристлар сони 6,21 млн. кишига етиб, деярли 6,4 марта ортган. Чиқувчи туристлар сони ҳам йилдан йилга ортиб, 2010 йилда республикадан 1,37 млн. киши четга туристик мақсадга чиққан бўлса, 2019 йилга келиб уларни сони 13,0 млн. кишини ташкил қилган. Бу дегани, республиканинг ҳар уч кишисидан бири хорижга туристик мақсадга чиқишини англатади.

Туризм тушумлари 2010 йилда 0,28 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2019 йилда 1,26 млрд. АҚШ долларига етиб, яъни олти марта ортган. Туризм харажатлари туризм тушумларидан кўра кўпроқ ортиб, 2010 йилдаги 0,08 млрд. АҚШ долларлик туризм харажатлари, 2019 йилда 1,64 млрд. АҚШ долларга етган.

Ушбу даврда туризмнинг иқтисодий кўрсаткичлари: туризмга йўналтирилган инвестиция, туризмда бандлар сони, туризм соҳасидаги ялпи қўшилган қиймат миқдорлари ҳам ўзгариб, инвестиция миқдори 2010 йилда 149,9 млрд. сўм бўлган бўлса, 2019 йилда 1900,1 млрд. сўмга етган. Туризмда бандлар сониси эса пасайиш тенденцияси кузатилиб, 2010 йилдаги 202 минг киши ушбу соҳада банд бўлган бўлса, 2016 йили 171 минг кишини ташкил қилган. Кейинги йилларда туризм соҳасига олиб борилаётган ислохотлар натижасида бу соҳадаги ЯҚҚ миқдори кескин ортиб, 2010 йилда 2,2 трлн. сўм бўлса 2019 йилга келиб 13,2 трлн. сўмга етган, шу қисқа даврда 2,6 баробарга ошган.

Тадқиқотни кўрсатишича Ўзбекистон Республикасига кирувчи туристларнинг 55,3 фоизи Қозоғистондан, 13,8 фоизи Тожикистондан, 11,6 фоизи Қирғизистондан келар экан, қолган 13 фоизи бошқа давлатлардан. Чиқувчи туристлар бўйича ҳам аҳвол деярли шундай. Уларни сафар мақсадлари бўйича таҳлил қилсак: 83 фоизи қариндошларини кўришга, 8 фоизи саёҳат мақсадида, 5 фоизи хизмат юзасидан қолгани бошқа мақсадларда чиқар экан. Ёши бўйича: 18 ёшгача 7 фоизи, 19-30 ёшгача 16 фоизи, 31-55 ёшгача 55 фоизи, 55 ва ундан юқори 22 фоизини ташкил этган.

Маълумки, халқаро амалиётда бирор-бир соҳани комплекс таҳлил қилиш ва уни атрофлича ўрганиш учун SWOT, ABC, Delphi ва бошқа методлардан кенг фойдаланилади. Тадқиқот давомида Ўзбекистонда туризм соҳасини инновацион ривожланишини статистик баҳолаш мақсадида илк бор SWOT методи ва Т-ABC моделини Delphi методи билан биргаликда қўллаган ҳолда омилларни фақат келтириб ўтмасдан уларни статистик баҳоладик. Delphi методи бўйича соҳадаги энг тажрибали туроператорлардан 30 та эксперт статистик ўрганиш нуқтаи-назаридан танлаб олинди. Танлаб олинган гуруҳ аъзолари бир-биридан мустақил фикр юритиши керак, яъни

бир бирини танимаслигини таъминланиш зарур. Уларни ҳар бирига диссертант ишлаб чиққан статистик сўровнома жўнатилди. Сўровномалар тўлдирилгандан, сўнг йиғиб олинди ва умумлаштирилди. Ҳар бир савол учун ўртача балл аниқланди(3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда туризм соҳасини инновацион ривожланишининг SWOT таҳлили¹⁰

1	Ўзбекистонда тарихий жойлар мавжудлиги	5,0
2	Ўзбекистоннинг буюк ипак йўлида жойлашганлиги	4,4
3	Республикадаги тинчлик	3,5
4	Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги	3,0
5	Туризмда хизмат кўрсатиш даражаси	2,5
Ўзбекистонда туризм соҳасининг кучсиз томонлари		
1	Логистика ҳолати	5,0
2	Транспорт, жойлаштирув ташкилотлари, туризм объектлари орасидаги ҳамкорлик	4,0
3	Туризмда мавсумийликни мавжудлиги	3,8
4	Туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда моддий-техника базасининг ҳолати	3,1
5	Рекреацион дам олиш жойларининг мавжудлиги ва ҳолати	3,1
Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришдаги мавжуд имкониятлар		
1	Халқаро туристик компаниялари, меҳмонхоналар, авиакомпаниялар билан ҳамкорлик	5,0
2	Ташқи реклама муҳити ва виза режимининг ҳолати	4,0
3	Туризм соҳасидаги кучли мутахассисларни фаолияти	4,0
4	Туристлик хизматлар нархларининг рақобатдошлиги	3,5
5	Туризм турларини кўпайтириш	3,3
Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланишидаги таҳдидлар		
1	Инфраструктуранинг инновацион ривожланишдан тўхтаб қолиши	5,0
2	Солиқ соҳасидаги ислохотлар даражаси	4,0
3	Жаҳонда туризмнинг жадал ривожланаётганлиги	3,0
4	Қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик даражаси	2,0
5	Ўзбекистонда туристлар билан боғлиқ турли хил салбий ва нохуш ҳолатлар мавжудлиги	1,0

¹⁰Муаллиф томонидан тузилган

3-жадвалда келтирилган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда туризмни энг кучсиз томони логистика ҳолати экан, туризмни ривожлантириш имкониятлари ҳам юқори балларга эга бўлди.

Ушбу SWOT таҳлилни вилоятлар кесимида ҳам ўтказиш мумкин. Лекин, туризмни инновацион ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари жуда кўп. Биз Т-ABC моделини танладик ва уни Delphi усули билан биргаликда қўладик. Ушбу усул юқорида келтирилган индекслар талабига жавоб беради, туристларнинг дестинация (туристик маршрутлар) қарорини тўлиқ ифодалайди ва натижа билан омил ўртасидаги боғлиқликни баҳолай олади. 30 та туроператорга 20 та саволдан (диссертант таклиф қилган) иборат сўровнома тарқатилган ва умумлаштирилган. Вилоятлар кесимида туризм натижадорлигига таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилинди.

Delphi усули асосида Т-ABC модели бўлимлари бўйича тўпланган балларини ўртачаси аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Т-ABC моделининг якуний натижалари¹¹

№	Худудлар	Туризм жозибadorлиги А		Туризм хизматлари В		Ташқи омиллар С	
		Ўртача балл	Тутган ўрни	Ўртача балл	Тутган ўрни	Ўртача балл	Тутган ўрни
	Ўзбекистон	4,08	х	4,1	х	4,37	х
1	Самарқанд	5,8	1	5,2	2	5,1	2
2	Бухоро	5,4	2	4,8	3	4,9	3
3	Хоразм	5,1	3	4,6	4	4,4	5
4	Сурхондарё	4,7	4	3,4	12	3,8	12
6	Тошкент шаҳри	4,7	5	5,5	1	5,7	1
5	Қорақалпоғистон Р.	4,2	6	3,3	13	3,8	11
9	Фарғона	4,1	7	4,2	6	4,4	6
8	Тошкент	3,9	8	4,6	5	4,7	4
7	Қашқадарё	3,8	9	3,8	9	4,0	10
10	Навой	3,5	10	3,8	10	4,1	9
11	Жиззах	3,4	11	3,5	11	3,8	13
12	Наманган	3,2	12	3,8	8	4,2	8
13	Андижон	2,8	13	4,2	7	4,4	7
14	Сирдарё	2,5	14	3,1	14	3,7	14

Вариация коэффициентлари

¹¹Муаллиф томонидан тузилган

1	Минимум	2,5	3,1	3,7
2	Максимум	5,8	5,5	5,7
3	Стандарт четланиш	0,97	0,73	0,57
4	Вариация коэффициенти	23,8	17,6	13,2

4-жадвал маълумотларига асосан, Ўзбекистон Республикасида туризм жозибadorлиги ўртача 4,08 балл бўлиб, ҳудудлар кесимида эса Самарқанд вилояти бошқа вилоят туризм ресурсларига қараганда, жозибалироқ бўлиб, 5,8 баллга тенглиги аниқланди. Кейинги ўринларда Бухоро ва Хоразм вилоятларида туризм жозибadorлиги мос равишда 5,4 балл ва 5,1 балл тенг. Туризм жозибadorлиги бўйича энг қуйи ўринларда Сирдарё вилояти(2,5 балл) эканлиги аниқланди.

Туризм хизматлари бўйича Республикада ўртача 4,1 балл бўлиб, энг яхши натижа Тошкент шаҳрида (5,7 балл). Энг қуйи ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси (3,3 балл) ва Сирдарё (3,1 балл) вилояти банд этган.

Ташқи омиллар кўрсаткичи бўйича энг яхши натижага Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти эришган бўлиб, улар мос равишда 5,7 ва 5,1 балл тўплаган.

Диссертацияда ушбу ўзгарувиларни эконометрик таҳлил қилиб, Т-ABC модели орқали ҳудуд меҳмонхоналарида тунаб қолган туристлар орасидаги боғлиқлик тадқиқ этилди.

Якуний регрессия тенгламаси қуйидагича:

$$\log_{10}y = -1,01 + 0,33A + 0,19B + 0,62C \quad (3)$$

Регрессия тенгламасидан маълум бўлдики, натижа (у)га кучли таъсир қилувчи омил бўлиб С ва А омиллари эканлиги аниқланди. В-омил эса кучсиз таъсир қилган. Бу дегани Республикада туризм хизматлари жуда паст даражада кўрсатилмоқда, туризм жозибadorлиги ҳам юқори эмас.

Ўзбекистонда туризм ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш мақсадида танлаб олинган кўрсаткичларни эмпирик текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ADF тести ўтказилди ва Йохансен коинтеграция (ўзаро боғлиқлик) тести воситасида баҳоланди. Бундан ташқари коинтеграция йўналишини аниқлаш учун Грейнджер алоқадорлик тести қўлланилди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар орасидаги қисқа муддатли боғлиқликни текшириш учун ECM(Error correction model) модели қўлланилди ва қуйидаги натижа олинди:

$$D(LЯИМ) = -0,14*(LЯИМ_{t-1} + 0,84*LTC_{t-1} + 3,72) + 0,82*(DLЯИМ_{t-1}) + 0,31DLЯИМ_{t-3} + 0,18DLTC_{t-3} + 0,39 \quad (4)$$

Туризм кўрсаткичлари ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликни статистик таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шароитида иқтисодий ўсишга энг кучли таъсир этувчи омил кирувчи туристлар сони ҳисобланади. Таҳлил яна шуни кўрсатмоқдаки, туризм тушумлари ва ЯИМ ўртасидаги Йохансен тести бўйича алоқадорлик деярли кузатилмади. Бунга қуйидаги манتيқ асос бўлиши мумкин. Маълумки, туризм тушумлари кирувчи туристлар сони билан уларнинг мақсадлари ва кирувчиларнинг ёшлари бевосита боғлиқ. Шунга кўра, Йохансен тестида алоқадорлик аниқланмади. Яна шуни таъкидлаш зарурки, юқорида келтирилган икки томонлама алоқа яъни туризм кўрсаткичларини яхшиланиши, иқтисодий ўсишнинг эса туризм кўрсаткичларига таъсирини мавжуд деган ғояни қўллаб қувватлаган ҳолда, Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши туризм кўрсаткичларининг бевосита ўзгаришига таъсир қилиши аниқланди. Яъни тадқиқотчининг ҳисоб китобларига қараганда ЯИМнинг бир фоизга ўсиши учун чет давлатларда Ўзбекистондаги туризм ҳолатини реклама қилувчи харажатларни 5-6 фоизга оширишга олиб келади. Маълумки, чет давлатда Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари қанча кўп реклама қилинса Республикага кирувчи туристлар сони шунча ортади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда туризм соҳасини статистик баҳолашни такомиллаштириш йўналишлари»** деб номланувчи учинчи бобида туризмни статистик ҳисоби такомиллаштирилган, Республика иқтисодиётида туризмнинг ўрни кўрсатилган ҳамда Ўзбекистонда туризмни ривожланиш прогнозлар кўрсаткичлар аниқланган.

Кейинги пайтларда туризм статистикасини ривожлантириш бўйича анча чора-тадбирлар амалга оширилди. Лекин, тадқиқотнинг кўрсатишича ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас.

Туризмни статистик ҳисобини олиб боришда бир қанча манба ва методилардан фойдаланилади. Туризмни статистик ҳисобини олиб бориш бўйича жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда олиб борилган ишлар таҳлилидан маълумки, бу ишни бажаришда жуда катта чалкашликлар, тушунмовчиликлар, бир-бирини инкор этувчи ғоя ва ҳужжатлар мавжуд. Юқорида таъкидлаганимиздек, чет элдан кириб келувчи туристлар ва ички туристлар мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистонда чет элдан кириб келувчи туристларни ҳисобини олиб бориш билан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари шуғулланади. Улар қайси услубиятни қўллайди ва кимларни турист деб ҳисоблайди ҳамда кимларни туристлар сафига киритади номаълум. Давлат статистика қўмитаси маълумотларни умумлаштиради ва чоп қилади, холос. Давлат статистика қўмитасини расмий ҳисоботларида ҳам кириб келувчилар тўғрисида маълумот деярли йўқ. Туристларни кириб келиш ҳужжатларини тузиш, маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш ва чоп этиш ишларини Давлат Статистика қўмитаси органларига тўлиқ юклатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, уларда бу ишни профессионал

даражада бажариш учун ресурс, техника, тажриба ва билим даражаси эга бўлган кадрлар етарли ҳамда фақат улар БМТ (Бирлашган миллатлар ташкилоти), БТТ (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг статистика бўлимлар билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борадилар. Туризм ҳисобини олиб бориш талабга жавоб бермайди, расмий сайтларда эълон қилинган маълумотлар турлича.

Туристлар сонини аниқлаш билан бир қаторда туризм тушумлари ва харажатларини ҳисобини такомиллаштириш зарур. Туристлар сони, туризм тушумлари ва харажатларини аниқлашни амалдаги усуллари ўрнига диссертацияда туристлар кундалиги ёки турист бланкаси таклиф этилди. Таклиф Давлат Статистика қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ижобий баҳоланган ва жорий этишга қабул қилинган.

Туристлар ҳисобини юритишда, тушум ва харажатларни аниқлашда махсус ташкил этилган статистик кузатишлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида улар ташкил этилган ва 2018 йилда Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ташқи савдо вазирлиги томонидан ўтказилган. Ушбу махсус статистик кузатиш сўровномасига иккита савол қўшиш кераклиги ҳақидаги диссертант таклифи ижобий баҳоланган ва қабул қилинган. Булар:

1. Ўзбекистонга қанча вақт ўтказдингиз?

а) 4 соатгача б) 24 соатдан кўп в) бир йилдан кам г) бир йилдан кўп

2. Ўзбекистонга ташрифингиз муддати қандай?

а) ҳафтада бир марта б) бир ойда бир марта с) баъзи ҳолларда

Ушбу саволларнинг қўшилиши натижасида биз туристлар сонини, туризм тушумлари ва харажатларини аниқ баҳолашга эришамиз. Маълумки, бошқа давлат фуқаролари ҳар ҳафтада бир марта Ўзбекистонга кирса турист ҳисобланмайди лекин, қолган муддатларда турист ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан харажатлар ва тушумлар суммаси ҳам ўзгаради.

Туризм сўровномасини рақамли иқтисодиёт воситалари орқали ҳам амалга ошириш имконияти мавжуд. Масалан, аэропорт, темир йўл вокзаллари ва бошқа жойларда QR-code орқали ёки ижтимоий тармоқларда сўровномалар ўтказиш ва телефонлар орқали туризм кўрсаткичларини шакллантириш. Бу усуллар орқали маълумотлар тез, сифатли, аниқ тўпланади ва маълумотларни олиш учун танланма кузатувларига сарфланадиган харажатлар кескин камайиб кетади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳонда бугунги кунда туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлашда икки хил ёндашув мавжуд. Энг асосийси ва кўп мамлакатларда (80дан ортиқ) қўлланиладиган коэффицентларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Тадқиқотда таклиф қилинган кўрсаткичларни, мутахассисларни фикрини инобатга олган ҳолда 9таси танлаб олинган.

Ўзбекистонда яратилган ЯИМ ва ЯҚҚ ҳажми Давлат статистика кўмитаси томонидан чоп этилган расмий нашрларнинг барчасида мавжуд. Туризмда яратилган қўшимча қиймат ҳам Давлат Статистика кўмитасида аниқланади. Ушбу маълумотлар асосида биз туризм соҳасида яратилган қўшимча қийматни ва ЯИМ ҳажмидаги ўрнини аниқланди ва уларнинг динамикаси таҳлил қилинди:

1. Туризмда яратилган қўшилган қийматнинг умумий ЯҚҚдаги улуши;
 2. Туризм ЯҚҚнинг умумий ЯИМдаги улуши;
- Туризмнинг ЯИМдаги ўрни йиллар давомида аста секин ортиб бормоқда(5-6 жадвал).

5-жадвал

Йиллар	Туризм соҳасида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг Республика ЯИМ ва ЯҚҚдаги улуши¹²			
	Республика ЯИМнинг ўзгариш динамикаси, %	Туризм соҳасида яратилган ЯҚҚнинг ўзгариш динамикаси,%	Туризм соҳасида яратилган ЯҚҚнинг Республика ЯИМдаги улуши,%	Туризм соҳасида яратилган ЯҚҚнинг Республика ЯҚҚдаги улуши,%
2010 й	107,1	105,3	2,4	2,8
2011 й	107,5	105,9	2,1	2,4
2012 й	107,1	105,5	2,2	2,5
2013 й	107,3	105,1	2,4	2,7
2014 й	106,9	105,7	2,5	2,8
2015 й	107,2	106,3	2,1	2,4
2016 й	105,9	105,9	2,1	2,3
2017 й	104,4	107,3	2,5	2,8
2018 й	105,4	110,1	2,5	2,8
2019 й	105,7	110,2	2,2	2,5

